


# MUZRABOT

*O`zbekiston— kelajagi buyuk davlat*

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan
*Ijtimoiy-siyosiy gazeta*

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 14-fevral
Juma № 3 (4499)






## Дуал таълим – таълим йўлидаги сифатли ислоҳот

Мамлакатимизда келажагимиз ворисларининг кучли билим, кенг дунёқараш ҳамда замонавий касбҳунарга эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, назарий ва амалий билимлар уйғунлигини таъминлаш – дуал таълимни ривожлантириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Музработ тумани политехникумида аҳолини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ва дуал таълимда кадрлар тайёрлаш юзасидан ўтказилган ўқув-амалий семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам айнан шу масалага қаратилди.

Музработ тумани Ҳокими вазифасини бажарувчи Абдумуталиб Арабов, туман Ҳокими ўринбосари Фаррух Раҳмонов қатнашган семинарда дуал таълимнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилди. Политехникум директори Б.Қурбонов замонавий ўқув даргоҳининг имкониятлари ҳақида тақдимот қилди.

Ўқув-амалий семинарда тумандаги иш берувчи корхона, ташкилот ва таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этиб, политехникумда ўқувчи ёшларнинг дуал таълим тизимида ўзи танлаган мутахассислиги бўйича 30 фоиз назарий ва 70 фоиз амалий билим олишлари тушунтирилди. Бунинг учун политехникумда етарлича моддий-техник база ва шарт-шароитлар яратилиб, малакали мутахассислар жалб қилинган.

**Музработ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

## Ҳосилдор еримиз – энг катта бойлигимиз

### Музработ тумани ҳокимлигининг тумандаги деҳқон ва фермер хўжаликлари бошлиқларига, томорқа ер эгаларига, аҳолига

## МУРОЖААТИ

**Ҳурматли тумандошлар!**

Бугунги Музработ тумани ҳудуди жуда қадим тарихга эга. Кўпни кўрган ота-боболаримиз бу жойдаги дашти Тўпор, дашти Арзанак деб номланувчи ҳудудларни жуда яхши биладилар. Бир вақтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган чўл ўзлаштирила бошланганининг ҳам ҳадемай етмиш биринчи баҳори бошланади.

Яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, қўриқ ва бўз ерларга “ҳужум” бошланганида юртдошларимиз мислсиз қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар. Уларнинг меҳнати эвазига биёбонлар ўрнида кўркам қишлоқ ва қўрғонлар, серҳосил экин майдонлари, боғ-роғлар барпо этилди. Одамлар ажратиб берилган томорқасига шунчаки эгалик қилиб, асосан, далада – пахта якка ҳокимлиги сиёсати остида эртадан кечгача тер тўкарди. Мабодо уйга меҳмон келса, томорқадан узиб дастурхонга қўйиладиган мева-чевалар анқонинг уруғи эди, гўё.

Бугун замонлар ўзгарди, одамларнинг томорқага бўлган кайфияти бошқача. Ҳар қарич ер олтинга тенг, шунинг баробарида унга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда томорқасидан бир неча юз миллионлаб фойда кўрадиган миришкор деҳқонлар ва соҳибкор боғбонлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Давлатдан ерни ижарага олиб, деҳқон ва фермер хўжаликлари барпо этаётганларнинг ҳам қатори кун сайин кенгаяпти. Уларнинг меҳнат муваффақиятлари, даромадининг чўғи ортиб бораётгани, қураётган данғиллама ҳовли-жойлари, тўй-томошалари, ўрни келганда, эҳтиёжмандларга кўрсатаётган ҳомийликлари, эҳсонларини ҳар қанча таърифласа арзийди.

**Азиз тумандошлар!**

Хабарингиз бор, яқинда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда таъкидланганидек, омилкорлик ва таркибий ўзгаришлар туфайли қишлоқ хўжалиги майдонларидан мўл ҳосил олинмоқда. Шу билан бирга, бошқа ерларни ҳам “иқтисодий актив”га айлантириш, одамларни ишли қилиб, даромадини ошириш чоралари кўрилаяпти.

Туманимизда қишлоқ хўжалиги ер турлари 41155 гектарни ташкил этади. Шунинг 38314 гектари экин ерларига, 872 гектари кўп йиллик дарахтзорларга, жумладан, 452 гектари боғларга, 138 гектари узумзорларга, 272 гектари тутзорларга, 10 гектари мевали кўчатлар ва бошқаларга тўғри келади. Бундан ташқари 5506 гектар аҳоли томорқаси, шундан 4274 гектари сувли ерлар ҳисобланади. Туманда ердан фойдаланувчилардан ижарадаги фермер хўжаликлари 18583 гектарга, деҳқон хўжаликлари 2311 гектарга, аҳоли тоифаси эса 1023 гектарга деҳқончилик қилишади.

Шуни эътироф этиш жоизки, туманимизда ҳам одамлар ерга ишлов бериш, замонавий агротехнологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўплаганлар. Натижада томорқаларда иссиқхона хўжалигини ривожлантиришга, цитрус мевалар етиштиришни кўпайтиришга эътибор кучайтириляпти. Бундан ташқари резавор кўкатлар бозорбоплиги, деҳқон учун ҳамёнбоплиги билан мақсадга мувофиқ бўлаяпти. Туманда анорчилик, асалчилик билан шуғулланиш қамрови кенгайиши эл дастурхонини нознеъмат билан бойитиш баробарида аҳолининг бандлигини таъминлаяпти.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томорқа ва деҳқончилик ерларида юқори даромадли ва экспортбоп экинлар экиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва молиялаштириш бўйича янги ташаббусларни маълум қилди. Хусусан, деҳқон хўжаликлари ва томорқани ривожлантириш бўйича алоҳида Томорқа кенгаши тузиладиган бўлди. Бу кенгаш аҳолини ўқитишдан тортиб уруғ, кўчат етказиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш занжирини яратиш билан тизимли шуғулланади. Эътибор ва ғамхўрликнинг кўлами кенглигини қарангки, кенгаш томорқада ҳосилни кўпайтириш учун четдан янги технология ва экспертлар олиб келади. Хонадонларга ҳосилдор уруғ ва кўчат, сифатли ўғит етказиш, агротехник хизматлар кўрсатиш, маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишда кўмаклашадиган тизим ташкил этилади.

Республикамизда деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгаларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча имконият ва қулайликлар яратилади. Аниқроғи, маҳалла ва хонадонларда музлаткич, қадоқлаш, қуритиш, қайта ишлаш омборлари ва иссиқхоналар қурилиб, аҳолига 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан тайёр ҳолда берилади. Томорқа хизматларини йўлга қўйган тадбиркорларга 7 йил муддатга 17,5 фоизли имтиёзли кредит ажратилади. Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаларига кредит ажратишда гаров талаб қилинмайди. Бунда суғурта полисининг ўзи етарли бўлади. Деҳқонларга ортиқча ҳужжатларсиз имтиёзли кредит берилади.

Президентимиз алоҳида қайд этганларидек, томорқа ва деҳқон хўжаликлари ердан самарали фойдаланиб, бир сотихдан 5 миллион сўмдан юқори расмий даромад олаётган деҳқонларга ер солиғининг 90 фоизи “кешбэк” тариқасида қайтариб берилади. Томорқасига экин экмаганлардан эса ер солиғи оширилган миқдорда ундирилади.

**Қадрли тумандошлар!**

Ҳақиқий деҳқоннинг, томорқа ер эгасининг косаси оқарадиган, даромадига даромад қўшиладиган фурсат етиб келди. Шунинг учун давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланайлик. Тупроғи олтин билан баробар еримизнинг ҳар қаричини қадрлаб, ўзимиз ва халқимизнинг манфаатига хизмат қилдирайлик. Дала ва боғларимизда дастурхон кўрки бўлган нознеъматлар етиштириладиган иссиқхоналар, ўрикзорлар, олмазорлар, анорзорлар, шафтолизорлар, хурмозорлар, анжирзорлар, полиз ва сабзавот пайкаллари янада кўпайсин. Шунинг эвазига қишлоқда ишсизлар сафи барҳам топади.

Бу бизнинг, ҳаммамизнинг ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаб берган хайрли ташаббусларига амалий жавобимиз бўлади.

*Қонун лойиҳаси муҳокамада*

## ДУНЁВИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Жорий йилнинг 31 январь куни «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан *https://parliament.gov.uz/oz/regulation/35* сайтида муҳокама учун қўйилди.**

Ушбу Концепция лойиҳасида белгиланган вазифалар мамлакатимизнинг дунёвий моҳияти билан фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ўртасидаги оқилона уйғунликни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бинобарин, Ўзбекистон Конституциясининг 1-моддасида давлатимизнинг дунёвий эканлиги олий мақомда мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлатнинг дунёвийлиги нималарда ифодаланади? Дунёвий давлат бу шундай давлатки, унда дунёвий ишлар диний ишлардан алоҳида ҳолда кечиши, таълим ҳам дунёвий билимлар беришга асосланиши ва одил судлов диний нормаларга эмас, амалдаги фуқаровий қонунларга асосланиши баробарида фуқароларга дин ва виждон эркинлиги, яъни истаган динига эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳамда мамлакатда мавжуд барча конфессияларга ўз диний эътиқоди, ибодат ва расм-русумларини амалга ошириши учун шароит яратиб берилиши билан тавсифланади.

Асосий Қонунимизнинг 35-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ваҳоланки, дунёвий давлатда расмий ўрнатилган ва ҳамма эътиқод этиши керак бўлган дин бўлмайди, диний ташкилотлар давлатдан алоҳида, ажралган тарзда фаолият олиб боради, барча диний ташкилотлар давлат, қонун ва суд олдида тенг бўлади, виждон эркинлиги – дини ва эътиқодидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенглиги таъминланади.

Айтиш жоизки, динга ва диний эътиқодга бундай муносабат доимо ҳам юртимизда ҳукм сурмаган. Ёши катта, аввалги тузум шароитида яшаган ҳамюртларимиз бунга гувоҳ бўлишган. Гарчи ўша пайтда амалда бўлган Конституцияда фуқароларнинг виждон эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, амалда вазият бутунлай бошқача бўлган. Ёш авлодга кучли атеизм (динсизлик) мафкураси сингдирилган. Намоз ўқиш ва рўза тутиш каби ибодатларни амалга ошириш осон кечмаган. Айниқса, партия аъзоларига диний эътиқод бўйича чекловлар кучли бўлган.

**(Давоми 2-бетда.)**

*Зулфияхоним издошлари*

## Истеъдодли ижодкор қиз



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан истеъдодли ва иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган тегишли фармонга мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Унга кўра ҳар йили мукофотга муносиб номзодлар саралаб олинади. Туманимиздаги 16-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Мухлиса Жонбўриева ҳам Зулфияхонимга муносиб издош бўлишга астойдил интилаётган истеъдодли ижодкор қизлардан бири.

Мухлиса Жонбўриева тенгдошлари орасида ўзининг ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, Ватанимиз тарихи, миллий қадриятларимиз ва жаҳон маданияти меросини яхши эгаллаганлиги билан тенгдошларидан ажралиб туради. У 2017-2021 йиллар давомида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг, шунингдек, “Камалак” болалар ташкилотининг мактабимиздаги сардори бўлган. 2021 йилдан эътиборан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ўқув даргоҳимиздаги етакчиси бўлиб фаолият юритган.

Мухлисанинг айни дамгача бўлган ютуқлари жудаям салмоқли. Жумладан, 2023 йил вилоят Ҳокими соврини учун ўтказилган фан олимпиадасининг туман босқичида 3-ўринни қўлга киритди. Озарбайжон республикасининг пойтахти Боку шаҳрида турк дунёсининг шоирлари альманахи тақдимоти йиғилишига таклифнома ҳамда ушбу мамлакат ва юртимиз ҳамкорлигида ўтказилган “Элимиз бир, дилимиз бир” лойиҳасида фаол иштироки учун “Сертификат”ни қўлга киритди. Ўтган йил Озарбайжон Республикасининг “Адилоғлу” нашриётида Илаҳе Байиндир, Ағасеф Имран, Шоҳида Юсупова, Баҳар Мустафаева, Ислам Маҳмудовлар томонидан тайёрланган “Ўзбекистоннинг истеъдодли қизлари” номли ижодий ишлар тўпламидан “Одамзод ўзини билмайин қолди” номли шеъри жой эгаллади.

Ёш ижодкор М.Жонбўриеванинг ижодий ишлари юртимизда чоп этиладиган “Эзгулик” газетасида мунтазам равишда босилаяпти. Қолаверса, 2024 йил Кения республикасининг “The Diaspora Times Global” журналида ва “The Mount Kenya Timesu” халқаро сайтида “Шукур Холмирзаевнинг “Одам” ҳикоясида матонатли ўзбек аёлларининг маҳоратли таърифланиши” ҳақидаги илмий мақоласи, Германия Республикасининг “Ravge Cage” журналида “Куз” ва “Жимгина кулдимда фақат” номли шеърлари инглиз тилида эълон қилинган.

Бундан ташқари Мухлисанинг Кения республикасида чиқадиган “Classico Opine” журналида “Сизсиз ўлмоқликка етмас бардошим” номли шеъри босилди. Молдова Республикасининг “Just Fiction Edition” нашриётида “Денгиз гули” номли шеърлар ва ҳикоялар тўплами нашр этилди. Ўша давлат ижодкорлари томонидан тайёрланган “Истеъдодли қаламкашлар” номли ижодий тўпламдан унинг қатор шеърлари ўрин олди. Ушбу анталогияда муносиб иштироки учун ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвиноз Тўйлиеванинг мамлакатимиздаги хотин-қизларни ривожлантириш ва ўқитишга, жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган “Ижодкор” номли курсида фаол иштироки учун “Сертификат”лар билан тақдирланган.

Бир сўз билан айтганда, Мухлиса Жонбўриеванинг бадиий адабиётимизнинг бир неча турларига қизиқиши юқори. Яқинда Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодларни саралаш танловининг вилоят босқичида адабиёт йўналиши бўйича фахрли 1-ўринни эгаллади. Унинг тиришқоқлиги ва серқирра ижодини ҳисобга олган ҳолда ҳали бундан-да юқори натижаларга эришишига ишонамиз.

**Чоршанби БЕРДИЕВ, 16-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.**

## Маҳалла ободонлаштирилаяпти

Гулобод маҳалласида МФЙ раиси К.Қурбонов бошчилигида ҳашар ташкил этилди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳовли, кўча ва ариқ бўйиларида маҳалла фуқаролари томонидан мевали ва манзарали кўчатлари экилиб ободонлаштириш ишлари сифатли ва намунали амалга оширилди.

*Тўйҳат ўрнида*

## БИР УМР ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

**“Табобат ҳамма санъатлар ичида энг ажойиб санъатдир” деган эди қадимги юнон мутафаккири, антик медицина асосчиси Гиппократ. Дунё табобати отасининг бу калималари аслида ҳақ гап. Абдурашид бу ҳақиқатни англаб етганида бор-йўғи ўсмир ёшда эди. Ундаги ақли расолик, закийлик, билимга чанқоқлик туфайли ғоятда донишмандлик билан айтилган иборанинг мағзини чақиб улгурганди.**



Ўшанда ёз эди. Оқшом маҳали танасида бошланган дард ўн беш ёшли ўғлонга оғриқ кучлилигидан уйқу бермади, бир аммалаб тонг орттирди. Отаси ҳам туни билан мижжа қоқмади, жигарпораси атрофида парвона бўлди. Саҳармардондан улов ёллаб Бойсунга, туман марказий касалхонасига боришганда, беморни кўздан кечирган шифокорлар: “Оғриқ ўтиб кетади, қўрқманг, сиз уйга қайтаверинг” дея уни тинчлантиришди. Кўнгли хотиржам бўлган ота ўғлига Яратгандан шифо тилаб қишлоққа қайтди. Аммо ота кетгач, кўп ўтмай врачлар жарроҳлик амалиётини амалга оширишди. Оғриқнинг зўридан, уйқусизликдан чарчаган бемор узоқ тин олди.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, секин кўзини очган ўсмир гулли оқ чойшабга ўралиб юмшоқ каравотда ётибди, атрофида парвона эркак ва аёл шифокорларга эгнидаги оқ халати бирам ярашган, айниқса, оппоқ либосли ҳамширалар гўё жаннати фаришталар. Ҳаммаёқ тоза ва озода, шу топда малҳамларнинг ҳиди ҳам димоққа хуш ёқади. Кўз ўнгида рўй бераётган бу кечинмалар унда шифокорликка ҳавас уйғотди. Шу-шу инсон қўли, ширин сўзи ва меҳри билан яраладиган бу санъатга нафақат ошно, балки ошуфта бўлиб қолди.

Ҳикоямиз қаҳрамони Абдурашид Ғаниевнинг болалик йиллари тоғли Бойсун туманининг сўлим Хўжабулғон қишлоғида ўтган. 1982 йил қишлоқдаги 36-умумтаълим мактабини намунали ҳулқ ва аъло баҳолар билан битирди. Аммо танлаган касби бўйича ўқишга топширганида кириш имтиҳонларида арзимаган сабаб билан омади чопмади. Орада армияга чақириб қолишди. Ҳарбий хизматни Россия Федерациясининг Приморье ўлкасида, артилерия қисмида ўтаб қайтди. Ортидан туман ички ишлар бўлимига алп қомат йигитнинг ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлашга муносиблиги ҳақида қисм раҳбарияти томонидан имзоланиб йўлланган хат ва характеристика келди. Таклиф этилганида Абдурашид Ғаниев ягона орзуси – шифокор бўлишлигини қатъият ва ишонч билан билдирди: “Мақсадим – умр охирига қадар халқ саломатлиги учун хизмат қилиш!”

1985 йил эзгу муродлар рўёбининг дебочаси бўлди. Бўлажак саломатлик посбони кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, Самарқанд давлат тиббиёт институти талабалигига қабул қилинди.

**(Давоми 4-бетда.)**

*Қонун лойиҳаси муҳокамада*

# ДУНЁВИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**(Бошланиши 1-бетда.)**

Шу боис ўша даврни кўрган авлод учун мамлакатимизда амалга оширилаётган виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзгача мазмун ва моҳият касб этади. Дарвоқе, юқорида қайд этилган қонун лойиҳасида кўрсатилганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб 2 300 дан ортиқ диний ташкилот эркин фаолият юритмоқда, 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар вакиллари истиқомат қилмоқда. Давлат томонидан 7 тилда таълим олиш имконияти яратилганлиги, 12 тилда телерадиодастурлар эфирга узатилаётганлиги, 14 тилда газета ва журналлар чоп этилаётганлиги, 155 та миллий маданий марказ эркин фаолият олиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу нуқтаи назардан олганда, мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва унинг муҳокамага қўйилганлиги муҳим ижтимоий воқеа сифатида эътироф этиш керак. Бинобарин, унда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати йўналишлари виждон эркинлиги ҳуқуқини ва мамлакатимизнинг дунёвий давлат эканлигига оид конституциявий нормаларни амалга ошириш ва диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари, принципларини ҳамда устувор йўналишларини белгилайди.

Айтиш жоизки, мазкур Концепция лойиҳаси миллий давлатчилигимизнинг бой тарихий тажрибаси ва бутун дунё халқлари учун умумий бўлган муҳим умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда таёрланган. Ушбу нуфузли ҳужжат лойиҳаси бугунги кунда мамлакатимизда ҳукм сураётган миллий ва диний бағрикенглик, турли миллатлар, турли конфессиялар ўртасидаги ўзаро тотувлик ва шу аснода келажак сари ривожланишни таъминлашга қаратилган.

Мазкур Концепция лойиҳасининг “Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари”га бағишланган бобида қатор соҳаларда дунёвийликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган. Жумладан, давлат бошқарувида дунёвийликни таъминлаш масаласи бўйича кўзда тутилган вазифалар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам давлат хизматчилари давлат номидан, бутун аҳолининг, жамиятнинг умумий манфаатларини кўзлаб фаолият олиб борадилар, тегишли давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қиладилар. Шу сабабдан, давлат хизматчиларининг диний қарашлари уларнинг шахсий муносабати бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришга у ёки бу тарзда таъсир этмаслиги, яъни умумий манфаатларига зид келмаслиги керак.

Бундан ташқари, иқтисодиётни ривожлантиришда дунёвийлик ҳам жамият ривожланиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишида муҳим ўрин тутади. Иқтисодий қарорлар эса фақат аниқ илмий маълумотларга, амалий тажриба хулосаларига, холисона таҳлилга асосланган ҳолда амалга оширилиши зарур ҳисобланади. Ваҳоланки, иқтисодиёт соҳасидаги қарорлар ва уларнинг амалга ошиши барқарор ривожланиш ва турмуш фаровонлиги билан бевосита боғлиқлигини доимо ҳисобга олиш зарур.

Таълим соҳасидаги дунёвийлик эса бевосита ёшларни чинакам илмий билимлар олиши, ҳаётда керак бўладиган кўникмаларни эгаллаши, умуминсоний қадриятларни ҳамда ватанпарварлик ҳиссини қалбига жо қилишини таъминлаши керак. Ёшларнинг дунёвийлик ва виждон эркинлиги ҳуқуқини чуқур тушунишларида, улар ўртасидаги нозик нисбатни тўғри англашларида диншуносликка оид предметларни малакали ўқитувчилар томонидан юқори савияда замонавий ёндашувлар асосида ўқитилишини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этади, бундай ёндашув ёшларда тўғри илмий ва диний дунёқараш, диний бағрикенгликнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ваҳоланки, мамлакатимизда диний таълим ривожига муносиб эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўзбекистонда тўртта олий ислом таълим муассасаси, ўнта ўрта махсус ислом таълим муассасаси, жумладан, иккита аёллар мадрасаси, шунингдек, православ ва протестант семинариялари ишлаб турибди. 2018 йилда ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академиясида юқори малакали профессор-ўқитувчилар дунёвий ва диний билимларни уйғунлаштириш, диний соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида фаолият олиб бормоқдалар.

Тиббиёт йўналишида дунёвийликни таъминлашда, назаримизда, халқимизнинг тиббий онг ва тиббий маданиятини ривожлантириш масаласи муҳим ўрин тутади. Шу ўринда кейинги вақтларда аҳоли орасида айрим “табиблар”нинг пайдо бўлиши, уларга мурожаат қилишнинг кўпайиши ҳоллари муайян даражада хавотир уйғотади, албатта. Айрим табибларнинг даволаш усулларининг бемаънилиги очиқ кўриниб турган ҳолатларда ҳам унга мурожаат қилувчилар сонининг мавжудлиги – тиббий саводхонлик масаласида қилинадиган ишлар анча эканлигидан далолат беради.

Маданият йўналишида дунёвийликни таъминлашда, айниқса, миллатларо, конфессияларaро муносабатларда бағрикенгликни, аҳолининг умумий маданиятини, жумладан, дунёвий ва диний онги ва маданиятини тўғри, холисона шакллантиришда санъат асарларининг роли беқиёс, десак, муболаға қилган бўлмаймиз. Айни чоғда ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда улар орасида урф (трендда) бўлган шакл ва услублардан фойдаланиш катта амалий аҳамият касб этади. Ижтимоий тармоқларда кечаётган муносабатларда бағрикенглик, муомала маданияти, конфессияларaро мулоқот маданиятини шакллантиришда санъаткорларнинг ва санъат асарларининг ролини оширишга эътибор кучайтирилиши зарур.

Ушбу Концепция лойиҳасида никоҳ институтини тартибга солиш йўналишида дунёвийликни таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилганлиги бежиз эмас, албатта. Ваҳоланки, ҳозирги кунда бу масала долзарб бўлиб, у бевосита аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда уларнинг ҳимояси билан узвий боғлиқдир. Ҳаётимизда учраб тураётган фақат диний никоҳга асосланган “оила”лар ва дунёга келган фарзандларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдаги муаммолар аёлларнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилада қизлар тарбияси, уюшмаган ёш қизларни иш билан таъминлаш масаласи долзарб эканлигини кўрсатади.

Мазкур Концепция лойиҳасида ижтимоий ахлоқ ва хулқ-атвор нормаларини шакллантириш йўналишидаги дунёвийликка ҳам эътибор қаратилган бўлиб, бунда жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий нормалар, юриш-туриш қоидалари умумжамият, умумхалқ, умумдавлат манфаатлари ва диний қадриятларнинг оқилона, холисона нисбатига, ўзаро уйғунлигига асосланиши зарур. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу Концепция лойиҳасидаги вазифаларнинг амалга оширилиши жамият аъзолари ўртасидаги, жумладан, миллатлараро, конфессияларaро муносабатлар оддий инсоний қадриятларга, амалдаги қонунларга, маданий қадриятларга асосланган ҳолда дунёвийлик билан динийликнинг оқилона уйғунлигини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

**Мавлюда АХМЕДШАЕВА,**
**Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”кафедраси профессори, юридик фанлар доктори.**

*Қарор ва шарҳ*

# МАҲАЛЛАЛАР ОСОЙИШТАЛИГИ

## мамлакат тараққиётига дахлдор масала саналади

**Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетиши ҳақиқат. Оилаларнинг тотувлиги маҳалланинг фаровонлигига хизмат қилади. Маҳаллалар осойишта, одамлар ишбилармон бўлса, юрт тараққий этаверади. Барчаси тўла-тўкис бўлиши учун бу омиллар бир-бирини ҳамиша тўлдириб туриши керак.**

Мамлакат ривожига хизмат қилувчи ушбу занжирнинг марказида маҳалла институти туради. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида маҳаллалар ҳаёти билан танишиши анъанага айланиб қолганининг замирида ҳам бу тизимнинг аҳамияти муҳимлиги ётади. Президент ҳамиша маҳалла фаоллари, нуронийлар ва ёшлар билан суҳбатлашади. Бу билан қабул қилаётган ҳужжатлар натижаси одамлар турмуш тарзида қандай ифода топаётганини билишга ҳаракат қилади.

Муҳими, ҳаракатлар бесамар кетмаяпти. Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин маҳалла бўлса, ўтган йили уларнинг 3 минг 280 дан ортиғи жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди. Шунингдек, 1 минг 600 га яқин маҳаллада эса оилавий ажримлар кузатилмади. Бу юртимизда муҳим дастурлар маҳаллаларда амалга оширилаётгани, тизимга катта ваколат ва имкониятлар берилаётгани натижасидир. Эътиборлиси, соҳадаги ислоҳотлар изчил давом этади. Демак, кўзланган марралар бундан анча юқори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январда “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

– Бу қарорда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида кўрсатилди, – дейди Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурхонов. – Хусусан, «маҳалла еттилиги»нинг ҳар бир вакили учун аниқ масъулият белгиланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш услублари татбиқ қилинмоқда. Криминоген вазият оғир маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйишга қаратилган манзилли ишлар ташкил этилишига киришилди. Шу мақсадда барча туман ва шаҳар сектор раҳбарлари, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати бошлиқлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари ўринбосарларига маҳаллалар номма-ном бириктирилмоқда.

Ушбу ҳужжат ҳам маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Қарор билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳаларига масъул идоралар учун 2025 йилда «ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланди.

– Аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаоллари кенг жалб этилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бошлиғи Бахтиёр Бердиалиев. – Ҳужжатда ҳуқуқ-тартибот идораларининг илмий ташкилот ва таълим муассасалари томонидан жиноят содир этилган маҳаллаларда тегишли тартибда илмий ёндашувлар асосида ўрганишлар ўтказиши лозимлиги белгиланди. Институтимизга криминоген вазият оғир бўлган маҳаллаларда илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали жиноятнинг асл сабабларини ўрганиб бориш ва масалага ечим топиш каби вазифалар белгиланди. Бунинг учун аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказилади.

Энди маҳаллалар жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситалар кенг жорий этилади.

Бу қарор тадбиркорлар учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки тинч ва осойишта юртда барака бўлади, узоқ йиллик лойиҳалар амалга оширилади. Қонунлар самарали ишлайдиган, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлиги кафолатланган мамлакатга инвестиция киритиш истагида бўлганлар сони ҳам йилдан-йилга ортаверади.

Йирик-йирик лойиҳаларга сармоя киритилиши, катта корхоналар фаолияти йўлга қўйилиши эса янги-янги иш ўринлари яратилиши деганидир. Бу иш жойларида эса халқимиз даромад олади. Оилаларда дастурхонлар тўкин бўлади.

**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Инсон ва қонун*

# Тақиқланган нарсаларга муносабат билдирманг

Бугунги глобаллашув даврида ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмаймиз. Аммо ижтимоий тармоқлар ҳар доим яхшиликка хизмат қилавермайди. Тўғрироғи, ёмон гуруҳ, канал ва сайтлар кўплаб учрайди. Фойдаланувчидан талаб шуки, уларни ажрата билиш керак. Яккатол маҳалласида яшовчи Аброр Рустамов (исм-фамилияси ўзгартирилган) телефонидан тўғри мақсадда фойдаланмади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг “Тўсиқ” деб номланган қўшма режасига кўра А.Рустамов билан туман ИИБ биносида сўров-суҳбат ўтказилган. Холислар ва мутахассис иштирокида унга тегишли “Tecno spark go 2024” русумли телефон аппаратининг “YouTube” видеохостинги кўздан кечирилганда пастки қисмида “Асосий”, “Шортс”, “+”, “Обуналар” ва “Сиз” бўлимлари мавжудлиги аниқланган.

“Сиз” бўлими “История” бўлинмасига кирилганда бир қанча видео материалларни кўриб, класс муносабат белгисини, яъни хайрихоҳлигини билдирган. Аниқроғи, Содиқ Самарқандайга тегишли “Нега Ўзбекистонни ёмонлайверасиз” номли, давомийлиги 12:21 дақиқалик, Маҳмуд Абдулмўминга тегишли “Абу Салоҳ ва Маҳмуд Абдулмўмин. Даҳшат” номли, давомийлиги 4:20:49 дақиқалик видео роликлар борлиги маълум бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Дин ишлари бўйича қўмитаси Сурхондарё вилояти вакиллиги эксперти хулосасига асосан тақдим этилган 1 дона дискдаги маълумотлар амалдаги давлат тузуми, Конституцияга хилоф равишда чақирувчи даъватлар мавжуд эмаслиги, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар туркумига кирмаслиги, аммо Содиқ Самарқандийнинг фикрлари, маъруза ва фатволари аҳоли орасида турли ихтилофларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкинлиги эҳтимоли бор. Шу боис, мазкур шахснинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланиши маълум қилинган.

Ушбу ҳолат бўйича суд ҳуқуқбузар Аброр Рустамовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаси билан 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлади.

**Адҳам ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ тезкор қидирув департаменти Жиноят қидирув бош бошқармаси оператив ходими, подполковник.**

# Ma’muriy sudlar faoliyatini takomillashtirish

*Farmonga asosan*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Fuqarolar va tadbirkorlik sub’ektlarining huquqlarini sud orqali himoya qilishning zamonaviy mexanizmlarini joriy etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2025-yil 30-yanvarda PQ-33-sonli Qarori qabul qilindi. Qarorga ko‘ra, ma’muriy sudlarning faoliyatida bir qator takomillashtirishlar kiritildi. Jumladan quyidagilar:

- davlat organi qarori yoki uning mansabdor shaxsi harakati (harakatsizlik) ustidan berilgan arizani ma’muriy sudlarda ko‘rishda mansabdor shaxs yoki uning vakili zarur tushuntirishlar berish uchun sud muhokamasida ishtirok etishi shart hisoblanishi;
- davlat organi mansabdor shaxsi yoki uning vakili ishtirok etishi zarur deb topilgan hollarda ma’muriy ishni ko‘rib chiqish keyinga qoldiriladi, uning ishtiroki ishning har tomonlama, to‘liq va to‘g‘ri hal qilinishiga to‘sqinlik qilmagan taqdirda, ish davlat organi mansabdor shaxsi yoki uning vakili ishtirokisiz ko‘rib chiqilishi;
- davlat organi mansabdor shaxsi yoki uning vakili sud muhokamasiga kelmagan va uning kelmaganligi sud tomonidan uzrli deb topilmagan taqdirda, mansabdor shaxsga nisbatan sud jarimasi qo‘llanilishi;
- ma’muriy sud ish yurituvida dastlabki eshituv qonunda nazarda tutilgan hollarda o‘tkazilishi;
- dastlabki eshituvda arizachining talablari va javobgarning e’tirozlari aniqlashtiriladi, arizadagi kamchiliklarni bartaraf etish choralari ko‘rilishi;
- talablarni isbotlash uchun arizachiga zarur dalillarni hamda javobgarga fikrni yozma ravishda taqdim etish bo‘yicha tushuntirishlar berilishi;
- arizadagi talablar va ishdagi dalillarga sudya tomonidan dastlabki huquqiy baho (talablarni aniqlashtirish, ishga daxldor bo‘lmagan taraflarni almashtirish, qo‘shimcha javobgarni jalb qilish va boshqalar) beriladi. Bunda ko‘rilayotgan ishning mazmunan hal etilishi bo‘yicha yakuniy fikr bildirishga yo‘l qo‘yilmasligi;
- dastlabki eshituv ariza sudga kelib tushgan kundan e’tiboran yigirma kundan kechiktirmay o‘tkaziladi, ushbu muddat sud muhokamasi uchun belgilangan muddatga kiritilmasligi;
- dastlabki eshituv natijasiga ko‘ra arizani qaytarish yoki ish bo‘yicha sud muhokamasini tayinlash to‘g‘risida ajrim chiqarilishi nazarda tutilmoqda.

**S.SHARIPOV,**
**Termiz shahar yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti.**

**J.ELOV,**
**Muzrabot tuman prokuraturasi tergovchisi.**

# Биласизми?

### Мурожаатни кўриб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига кўра давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар шу орган, ташкилот томонидан ёки мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича зиммасига мажбуриятлар юклатилган мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилади.

### Мурожаатни кўриб чиқиш муддати

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасига кўра ариза ёки шикоят бўйича масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш, зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

**Ш.ЖЎРАҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Музработ тумани Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.**





*Ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари*

# «Чақирилувчилар куни»

Туман мудофаа ишлари бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати чегара қўшинларига қарашли “Н” ҳарбий қисм бўлинмаларининг бирида “Чақирилувчилар куни” деб номланган ҳарбий-ватанпарварлик тадбири бўлиб ўтди. Очиқ эшиклар куни тарзидаги тадбирда муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи йигитлар, 4-сектор ҳудудидаги умумтаълим мактабларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарлари ва ўқувчилари қатнашдилар.

Тадбирда чақирилувчилар ва ўқувчи ёшлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тинчлигимиз посбонларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ҳарбий-жанговар техника ва ўқотар қурол-аслаҳалар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир доирасида Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи ёшлар иштирокида “Уч авлод учрашуви” ҳам ташкил этилди. Учрашув давомида фахрийлар юртимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир ёш авлоднинг Ватан олдидаги олий бурчи бўлиши лозимлиги ҳақида тушунчалар бериб ўтдилар.

**Сирожиддин ҚУЛБОБОЕВ.**

***Суратларда:*** *ҳарбий-ватанпарварлик тадбиридан лавҳалар.*

# Чақирув ёшидаги ёшлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида” 2025 йил 29 январда ПҚ-31-сон қарори қабул қилинди.

Қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2025 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади. Шунингдек, ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан, чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишидан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув даврида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинади.

Туманимизнинг ҳар бир маҳаллаларидаги ботир, қўрқмас, жасур йигитларни муддатли ҳарбий хизматга даъват этиб қоламиз.

**Музработ тумани Мудофаа ишлари бўлими.**

*Tavalludining 150 yilligiga*

# Mahmudxo'ja Behbudiy asarlari – millat shamchirog'i

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Turkiston jadidlik harakatining asoschisi, atoqli adib va jamoat arbobi, noshir va pedagog Mahmudxo'ja Behbudiy tavalludining 150 yilligini keng nishonlash to'g'risida" 2024-yil 27-dekabrdagi PQ-462-sonli qarori qabul qilindi.



O'zbekistonda teatr san'atining qaror topishi, ma'rifatparvarlik g'oyalarining keng targ'ib etilishida jonbozlik ko'rsatgan jadid bobolarimizdan biri Mahmudxo'ja Behbudiyning millatimiz oldidagi xizmatlari beqiyos. Bu yil yurtimizda Behbudiy tavalludining 150 yilligini keng nishonlash uchun qizg'in tayyorgarlik ko'rilmoqda. Bunda yuqorida nomlangan Prezident qarori alohida ahamiyat kasb etadi.

Darhaqiqat, qarorda belgilanganidek, jadidchilik va jadidlarning bugungi kunda o'rganilishi, targ'ib qilinishi havoday zarur. Biz uchinchi Renessansni "strategik vazifa" deb qarasak, uni "milliy g'oya darajasiga" ko'tarmoqchi bo'lsak, jadidlarimiz ta'kidlaganidek, "har kim o'zgarishi kerak, har kim o'zgarishni o'zidan boshlashi kerak".

Vatanimiz tarixida g'oyat murakkab va sinovli davr bo'lgan XX asr boshida maydonga chiqqan Mahmudxo'ja Behbudiy Turkiston jadidlik harakatining asoschisi hisoblanadi. U milliy ozodlik harakatining buyuk namoyandasi sifatida ilm-fan, ta'lim va tarbiya, adabiyot va san'at, matbuot sohalarini rivojlantirish, jahondagi ilg'or taraqqiyot yutuqlarini o'zlashtirish orqali xalqimizning ongu tafakkurini yuksaltirish hamda hurriyatga erishish yo'lida o'z hayotini baxsh etgan fidoyi zotdir.

Mamlakatimiz dunyo tamadduni va ilm-fan rivojiga ulkan hissa qo'shgan ulug' allomalar, aziz-avliyolar yurti sifatida shuhrat qozongan. Ma'naviyatimizning ildizlari bo'lgan buyuk mutafakkirlarimiz ijodidagi yoshlarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga ta'sir etadigan qarashlarini keng ommaga targ'ib qilish ulkan ahamiyat kasb etadi.

Zero, bugun globallashuv davrida milliy va ma'naviy qadriyatlarga – "ommaviy madaniyat"ning tahdidi kuchayib bormoqda. Bu, avvalo, yosh avlodni bilim olish, vatan va yurt ravnaqi, rivojlanishi uchun hissa qo'shishi lozimligiga raxna solib, yoshlarning ongini turli yot tushunchalar bilan yo'g'rilgan illatlar bilan zaharlanishiga olib kelmoqda. Buning to'laqonli davosi hisoblangan milliy ma'naviy qadriyatlarimizning ajralmas qismi bo'lgan ma'naviy-axloqiy tarbiya ajdodlarimizning ibratli hayoti va asarlarida o'z aksini topgan.

Ma'lumki, XIX asr oxiri – XX asr boshida Turkistonda vujudga kelgan ijtimoiy-siyosiy, ma'rifiy harakat tarix sahnasiga ma'rifatparvar shaxslar – jadidlarni olib chiqdi. Turkiston jadidchilik harakatining yetakchilaridan bo'lgan Mahmudxo'ja Behbudiy serqirra iste'dod sohibi bo'lgan. U noshirlik, publitsistika, jurnalistika sohasida faoliyat olib borish bilan birga, yangi o'zbek ziyolilari orasida birinchilardan bo'lib ilmiy faoliyatni ham shug'ullangan. Behbudiyning maktab darsliklari, ilmiy maqolalari, xususan, til borasidagi fikrlari uning bu yo'nalishda ham bir qator yutuqlarga erishganini ko'rsatadi.

Shuningdek, Behbudiy quyi va yuqori maktabning isloh qilinishini millatning isloh etilishiga qiyosladi va uni umummilliy g'oya deb bildi. Millatga "o'qumoq, o'qutmoq kerakdur. Bolalarga otalardan ilmi diniy va ilmi zamoniy meros qolsun", deya murojaat qilib, o'zi ilgari surgan milliy g'oyani barcha targ'ib qilishi zarurligini ta'kidladi. Behbudiyning umummilliy g'oyasi targ'iboti uchun milliy matbuot kerak edi. Jadidlar chiqara boshlagan gazeta-jurnallar rosmanasiga fikr almashish, ilg'or g'oya va fikrlarni targ'ib etish, bahslashish maydoniga aylangan, demokratik qadriyatlarni o'zida aks ettirgan, fikrlar qarama-qarshiligini ko'tara oladigan, ijtimoiy-siyosiy mavzulardagi tanqidiy maqolalarni yoritadigan matbuot nashrlari edi. Masalan, Mahmudxo'ja Behbudiy muharrirlik qilgan "Oyina" jurnali ma'rifat va madaniyat tarqatish maqsadida millat va uning haq-huquqlariga, tarixiga, til va adabiyot masalalariga, dunyodagi ahvolga oid turli-tuman maqolalarni chop etdi. Shuningdek, ayni yo'nalishlardagi bahslar uchun minbar vazifasini o'tadi.

Behbudiy nazarida ma`rifat uchun birgina maktab kifoya qilmasdi. Zamon va dunyo voqealari bilan tanishib bormoq, millat va Vatanning ahvolidan, kundalik hayotidan ogoh bo'lmoq kerak edi. Binobarin, millat uchun shunday oyna kerak ediki, unda u o'z qabohatini ham, malohatini ham ko'ra olsin. Mana shu ehtiyoj va zarurat Behbudiyni teatr va matbuot sari boshladi. "Padarkush" shu tariqa maydonga keldi.

Muxtasar aytganda, Mahmudxo'ja Behbudiy asarlarining yosh avlodimiz intellektual va ma'naviy salohiyatini oshirish, shu asosda ularni Yangi O'zbekiston bunyodkorlari, chinakam vatanparvar insonlar etib tarbiyalash borasidagi o'rni va ahamiyatini inobatga olib hamda uning bebaho merosini yanada kengroq o'rganish va targ'ib etish, millat va Vatan mustaqilligi, taraqqiyoti yo'lida fido bo'lgan inson – Mahmudxo'ja Behbudiyning nomi xalqimiz yuragida mangu yashashi shubhasiz.

**Nodira XURSANOVA,**
**46-umumiy o'rta ta'lim maktabining ona tili va adabiyot o'qituvchisi.**

*14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад БОБУР туғилган кун*

# Мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили



Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда таваллуд топган. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода. У барча темурий шаҳзодалар каби тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фиқҳ илми, араб ва форс тилларини ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илм-фанга, шеъриятга қизиқа бошлайди. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» («Шер») лақабини олади.

Отаси Ахсида бевақт, 39 ёшида фожиали ҳалок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради. Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди.

1500 йили Султон Али Мирзо калтабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади. Бироқ шаҳар аҳолиси ва зодагонларининг маълум қисми темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этганлар. Бобур темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борса-да, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида мақсадига эриша олмайди. Бобур 200-300 навкари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб, Қазни ва Қобулни эгаллайди. Қобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Қобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборди. Шаҳар ичидаги Боло Ҳисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшади. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари шу ерда туғилади.

1507 йил бошларида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлайди. Аммо бу уриниши муваффақиятсиз тугаб, яна Қобулга қайтади. Бобур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини кузатиб боради. Шайбонийхон эронни забт этиш учун юриш бошлаганда Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябр бошларида Самарқандни яна қўлга киритади. 1512 йил 24 ноябрида Ғиждувон жангида Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Қобулга қайтишга мажбур бўлади. Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади.

1519 йил баҳорида Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5-6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелда Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик қўшинини 12 минглик аскар билан тор-мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди, кўп ўтмай Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дил-дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола бадиий таҳлил этилади. Ҳозирда унинг 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

1526 йил 21 декабрда Бобурга қарши суиқасд уюштирилади. Маҳв этилган Иброҳим Лўдийнинг онаси ошпазлар билан тил бириктириб, унинг овқатига заҳар қўштиради. Шунинг асоратими ёки кўп йиллик машаққатли ва қўнимсиз ҳаёт таъсирими, ҳар ҳолда кейинги йилларда Бобур тез-тез касалга чалиниб туради. 1527 йил октябрда Бобур яна хасталикка учрагач, умрининг охирлаб қолганини ҳис этади. Шунда Бобур ўзи эътиқод қўйган Хожа Аҳрор Валий руҳидан нажот тилаб, ихлос билан унинг насрда битилган «Волидия» асарини шеърий таржима қилади. Бобурнинг моҳир таржимон сифатидаги қобилияти намоён бўлган 243 байтли бу асар катта ижодий илҳом билан жуда қисқа муддатда якунланган. Бобурнинг ўз эътирофича, таржима тугаши ҳамоноқ батамом соғайиб кетган. Бу йилларда у «Бобурнома» фасллари устида ишлашни давом эттирди, янги-янги ғазал-рубоийлар яратди, ўз ибораси билан айтганда, «Ҳиндистонға келгали айтқон ашъорни» тартибга солиб, шунингдек, «Волидия» таржимасини, «Хатти Бобурий» билан битилган намуна ва қитъаларни Мовароуннаҳр ва Афғонистонга, Ҳумоюн, Хожа Калон, Ҳиндолларга юборди. Бир неча муддат олдин подшоликни Ҳумоюнга топширган Бобур 1530 йили 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди, кейинчалик 1539 йилда васиятига мувофиқ хоки Қобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боғи Бобур»-га қўйилди.

*Boshlang`ich ta`lim*

# TA'LIM MUSTAHKAMLIGI POYDEVORI

Ta'lim mustahkamligi uchun samarali poydevor qo'ymoqlik juda muhimdir. Bunda boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari har tomonlama bilimli va malakali kadr bo'lmoqliklari uchun eng avvalo, matematikani mukammal bilishlari, metodik bilimlarga ega bo'lishari juda zarurdir. Uyning mustahkam bo'lishi uchun poydevorni mustahkam qilganimizdek, o'quvchining yetuk shaxs bo'lib yetishishiga boshlang'ich sinflarda olingan ta'lim toshga o'yilgan naqshdek yodida qolishi uchun, o'qituvchidan yuksak pedagogik mahorat, matematik iqtidor va bilim-ko'nikma talab qilinadi.

Binobarin, bunda har bir boshlang'ich sinf o'qituvchisi yosh avlodni buyuk shaxslar qilib yetkazish mas`uliyati va muqaddas burchini his qilgan holda faoliyat olib borsagina, yorqin kelajak yarata olamiz, degan umid va ishonchdaman. Zero, boshlang'ich ta'limda matematika o'qitish metodikasidan foydalangan holda o'z fikr-mulohazamni bildirmoqchiman. O'quvchi har tomonlama salohiyatli va mukammal shaxs bo'lmog'i uchun boshlang'ich sinf o'qituvchilari matematik o'yinlar, metodik mahorat va albatta, bolajonlar qalbida Vatanga muhabbatni singdirish uchun ilmiy o'yinlar tarzida yondashmog'i va fanni mukammal o'rgatmog'i zarur va muhimdir.

Ma'lumki, axborot texnologiyalari rivojlangan sari hozirgi davr o'quvchilarini oddiy metodika va uslublar bilan hayratlantirish va qiziqtirish amri mahol bo'lib qoldi. Shuning uchun boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari o'z ustida ishlamog'i va izlanmog'i ham davr, ham ta'lim talabidir.

Shunday ekan, aziz ustozlar, yorqin kelajagimiz porlab turmog'i uchun, yurt farzandlarining ta'lim-tarbiyasida barchamiz eng mas`ul shaxs ekanligimizni anglamog'imiz zarurdir.

**Surayyo ALIQULOVA,**
**46-maktabning boshlang'ich sinf o'qituvchisi.**

*Мактабда ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш:*

# Имкониятлар ва амалиёт

**Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлаши уларнинг келажакдаги ҳаёти учун жуда муҳим. Шу боис, умумтаълим мактабларида ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш бугунги кун талабига айланган. Зеро, мактаб ёшидаги болаларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини аниқлаб, уларни тўғри касбга йўналтириш орқали ҳар бир ўқувчининг шахсий ривожланиши ва меҳнат бозорида талабгор бўлиши таъминланади.**

**Мактабда касб-ҳунарга йўналтиришнинг аҳамияти**

Ўқувчи ёшларни мактаб давриданоқ касб танлашга йўналтиришнинг бир қатор муҳим жиҳатлари мавжуд:

*1. Қобилиятларни эрта аниқлаш.* Мактаб ёшида болаларнинг қизиқишлари, кучли томонлари ва истеъдодларини аниқлаш орқали уларга мос касб-ҳунар танлаш осонлашади.

*2. Масъулиятли қарор қабул қилиш.* Ёшлар ўз қизиқишларига мос касбни танлаш орқали ҳаётий режаларини аниқ белгилаб, шахсий масъулиятни англай бошлайдилар.

*3. Иқтисодий ривожланишга ҳисса.* Мактабданоқ меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ўқувчилар келажакда ўз соҳаларида малакали мутахассисларга айланади ва иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшади.

**Касб-ҳунарга йўналтиришнинг мактабдаги амалий йўллари**

Мактабларда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш учун қуйидаги механизмлар амалга оширилиши мумкин:

*1. Касб танлашга оид дарслар ва машғулотлар.* Мактабларда махсус касбий йўналтириш машғулотларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу машғулотларда ўқитувчилар ва мутахассислар ёшларга турли касблар ҳақида маълумот берадилар, бозорда талабгор бўлган соҳаларни таништирадилар.

*2. Психологик маслаҳат хизматлари.* Мактаб психологлари ўқувчиларнинг шахсий қизиқишлари ва қобилиятларини баҳолашда ёрдам беради. Улар ўқувчиларни касб танлаш жараёнида психологик қўллаб-қувватлаб тўғри қарор қабул қилишларига ёрдам беради.

*3. Касб-ҳунар фестиваллари ва ярмаркалари.* Мактабларда ҳар йили касблар фестивалини ташкил этиш орқали ўқувчилар турли соҳалар ва ишлаб чиқариш йўналишлари билан танишадилар. Турли ташкилот ва компаниялар вакиллари ўқувчиларга ўз соҳалари ҳақида маълумот бериб, реал ҳаётдаги иш жараёнини намойиш қиладилар.

*4. Ишлаб чиқариш амалиёти ва экскурсиялар.* Мактаб ўқувчиларини маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсияга олиб бориш ёки амалиётларни ташкил этиш уларнинг касб танлаш йўналишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

*5. Мутахассислар билан учрашувлар.* Турли соҳаларнинг илғор вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш орқали ўқувчилар ўзларига мақсад қўйишни ўрганадилар. Улар мутахассисларнинг тажрибаларидан хулоса чиқариб, келажакда ўзлари қизиққан соҳада ривожланишга интиладилар.

Ёшлар ўртасида ахборот технологиялари кенг тарқалганлиги сабабли, уларни касб-ҳунарга йўналтиришда онлайн платформалар ва дастурлардан фойдаланиш жуда самаралидир. Масалан, ўқувчилар ўзларининг қизиқишлари ва қобилиятларига мос касбни аниқлайдиган (тестлар касбий диагностика онлайн-тестлар)ни бажарадилар. Турли соҳалар бўйича мутахассислар ўқувчиларга интернет орқали билим беришлари мумкин. Мактаб ўқувчилари учун виртуал муҳитда ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш имконияти яратилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мактабда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш нафақат уларнинг шахсий ривожланишини, балки жамиятнинг келажакдаги барқарор тараққиётини таъминлаш учун муҳимдир. Мактаб ва оила ҳамкорликда иш олиб борган ҳолда, ҳар бир ўқувчининг қизиқишлари ва истеъдодларини ривожлантиришга имкон яратиши лозим. Шу тариқа ёшлар касб танлашда онгли ва аниқ қарор қабул қилиб, келажакда ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб етишадилар.

**Замира ПАНЖИЕВА,**
**8-ИДУМ амалиётчи-психологи.**

# Qonunchiligimizdagi yangiliklar

## Pedagogik faoliyat bilan shug'ullanishga oid cheklovlar belgilanganidan xabaringiz bormi?

O'zbekiston Respublikasining 2024-yil 1-fevralda qabul qilingan "Pedagogning maqomi to'g'risida"gi O'RQ-901-son Qonuniga ko'ra:

qonuniy kuchga kirgan sud hukmiga muvofiq pedagogik faoliyat bilan shug'ullanish huquqidan mahrum etilgan shaxslar;

qonunchilikda belgilangan tartibda sud tomonidan muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklangan deb topilgan shaxslar;

pedagogik faoliyatni amalga oshirishga to'sqinlik qiladigan kasalliklari bo'lgan shaxslar;

psixiatriya yoki narkologiya muassasalarida hisobda turgan shaxslar;

qasddan sodir etilgan jinoyat uchun ilgari sudlangan shaxslarni pedagogik faoliyat bilan bog'liq lavozimlarga qabul qilish man etiladi.

**V.NAZAROV,**
**Termiz shahar adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti.**

## Qishloq xo'jaligi ekin maydonlari unumdorligi oshiriladi

2025-yil 3-fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qishloq xo'jaligi ekin maydonlari unumdorligini oshirish, tarmoqqa investitsiyalar jalb qilish uchun qulay shart-sharoit yaratish bo'yicha navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-18-son Farmoni qabul qilindi.

Farmonga ko'ra, qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yer uchastkalarini ajratishda, tajriba-sinov tariqasida, ijaraga oluvchilarning mustaqilligi va yuqori qo'shilgan qiymatga ega ekinlar yetishtirishga asoslangan yangi tizim yaratiladi.

Yangi tizim doirasida:

yer uchastkalari konturlar yaxlitligi va sug'orish tizimini buzmagan holda 3 gektardan 50 gektargacha bo'lgan o'lchamlarda "E-auksion"da savdolarga chiqariladi. Elektron onlayn auksion savdolarida yashash joyidan, tashkiliy-huquqiy shaklidan, boshqa yer uchastkasi bor yoki yo'qligidan qat'i nazar, barcha jismoniy va yuridik shaxslar (rezidentlar), shu jumladan, chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxonalar qatnashishi mumkin.

**S.AKRAMOV,**
**Termiz shahar adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti.**

## Ma'muriy sud ish yurituvida dastlabki eshituv instituti joriy qilinadi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Fuqarolar va tadbirkorlik sub'ektlarining huquqlarini sud orqali himoya qilishning zamonaviy mexanizmlarini joriy etish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 2025-yil 30-yanvardagi PQ-33-son qaroriga asosan, ma'muriy sudlar faoliyatiga quyidagi tartiblar joriy etiladi:

- qarori, harakati (harakatsizlik) ustidan shikoyat qilinayotgan davlat organi mansabdor shaxsi yoki uning vakili sud majlisida majburiy ishtirok etishini ta'minlash;
- ma'muriy sud ish yurituvida ishlarning tezkor va sifatli ko'rib chiqilishini ta'minlashga hamda fuqarolar va tadbirkorlik sub'ektlariga o'z huquqlarini himoya qilish uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratishga qaratilgan dastlabki eshituv institutini joriy etish.

**D.SHUKUROV,**
**Termiz shahar adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti.**

## Oziq-ovqat xavfsizligi ta`minlanadi

O'zbekiston Respublikasining 2025-yil 3-fevralda qabul qilingan "Oziq-ovqat xavfsizligi to'g'risida"gi Qonuni bilan ayrim masalalar o'z yechimini topdi. Ushbu Qonun joriy yil 3-mayda amalga kiritiladi.

Mazkur Qonun aholining oziqlik qimmatiga ega bo'lgan oziq-ovqat mahsulotlari bilan xavfsiz ovqatlanishini ta'minlashga, samarali bozor mexanizmlarini shakllantirish hamda oziq-ovqat mahsulotlari va xomashyosini ishlab chiqarishga yo'naltirilgan.

Shuningdek, qonunda quyidagi yo'nalishlar belgilanib qo'yildi:

oziq-ovqat mahsulotlarini iste'mol qilishning minimal normalariga muvofiq oziq-ovqat mahsulotlari va xomashyosining aylanma zaxirasini shakllantirish;

aholini ijtimoiy ahamiyatga molik asosiy turdagi oziq-ovqat mahsulotlari bilan yetarli miqdorda va uzluksiz ta'minlash imkoniyatlarini kengaytirish;

oziq-ovqat mahsulotlarining qonunchilik hujjatlarida belgilangan sanitariya, veterinariya, veterinariya-sanitariya, fitosanitariya qoidalari va normalariga muvofiq ishlab chiqarilishini rag'batlantirish;

tashqi iqtisodiy faoliyatni faollashtirish, shuningdek, ijtimoiy ahamiyatga molik asosiy turdagi oziq-ovqat mahsulotlarining eksporti va importi o'rtasidagi maqbul muvozanatni saqlash;

oziq-ovqat xavfsizligi va aholining xavfsiz ovqatlanishi sohasidagi faoliyatning samaradorligini ta'minlash;

oziq-ovqat mahsulotlari va xomashyosi bozorining ehtiyojlarini doimiy monitoring qilish.

**M.JO'RAYEVA,**
**Termiz shahar FHDY bo'limi 1-toifali inspektori.**

Sodikov Samandar Buri o`g`liga tegishli 2019-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 C 874 PA bo`lgan «Damas Gbaspg» rusumli yengil avtomobilga 2022-yil 31-martda berilgan AAF № 4309737 raqamli transport vositasini qayd etish guvohnomasi yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Sattarov Baxtiyor Nurmamatovichga tegishli 2021-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 O 365 NA bo`lgan «Damas 2 D 2» rusumli yengil avtomobilga 2024-yil 4-martda berilgan AAF № 4167456 raqamli transport vositasini qayd etish guvohnomasi yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

*Тўйхат ўрнида*

# БИР УМР ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

**(Бошланиши 1-бетда.)**

Инсон ўз мақсадларига эришаверса, қувончу шодликларининг чеки-чегараси бўлмайди, атрофдагиларга бўлган меҳри, иштиёқи, эътибори, ҳурмат-эҳтироми ортиб бораверади. Шунданми, то ҳануз Абдурашид Мустафоқуловичда мана шундай одамийлик фазилатлари жамулжам.

Кўз очиб юмгунча орадан олти йил ўтиб, талабаликнинг олтин даври ортда қолди. Ёш шифокор тиббиётдаги илк фаолиятини вилоят тери-таносил касалликлари шифохонасида дерматолог мутахассислиги бўйича бошлади. Шу ерда дорулфунун йўлланмаси билан клиник ординатурани ўтади. Орадан бир йил ўтиб, Абдурашид Мустафоқулович ҳаёти ва фаолиятининг Музработ тумани билан боғлиқ даври бошланди. 1992 йил туман марказий поликлиникасида тери-таносил касалликлари шифокори, 1995 йил бошидан мазкур поликлиника бошлиғи ҳамда Тиббий назорат комиссияси раиси этиб тайинланди. 2000 йилдан эътиборан малакали, талабчан ва ташкилотчи шифокор узлуксиз 12 йил давомида, сўнг яна 2021 йилдан 2025 йилгача Музработ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимида ишлади.

Бу орада 4 йил Тошкент шаҳридаги "Ўзкабель" шифохонаси директорининг ўринбосари бўлди. Кейинги 5 йилда Бойсун тумани тиббиёт бирлашмасига раҳбарлик даврида, нафақат марказда шаҳар аҳолиси, балки туманнинг энг олис ва пурвиқор тоғлар бағридаги чекка қишлоқ хонадонлари аҳли ҳам Абдурашид Ғаниев номини иззат-икром билан тилга олишади, хизматларини унутмасликларини айтишади.



-Мен Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши раиси бўлиб ишлаган кезларим Абдурашид Ғаниев бир вақтнинг ўзида иккита вакиллик органи – халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлигига партиямиз томонидан сайланган эди. Шунда у кишининг ҳам раҳбар, ҳам депутат сифатида юксак салоҳиятга эга эканлигини кўрганман,- дейди меҳнат фахрийси Панжи Норматов. – 30 йил давомида туманда дастлаб 10 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди, бугун улар замонавий жиҳозланган ва барча имкониятларга эга оилавий поликлиникаларга айлантирилди. "Шошилинч тиббий ёрдам" бўлими очилди. Марказий шифохонага қўшимча бинолар қурилди. Марказий поликлиника биноси мукаммал таъмирланди ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

-Абдурашид ака ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин, - дейди "Матбуот тарқатувчи" МЧЖнинг туман филиали раҳбари Жўра Хурсанов. – Кўпчиликка мақбул бўлган фазилатлари бисёр: раҳбар бўлганида ҳам ўз мутахассислиги бўйича беморларни қабул қилишга, уларни даволаш ва маслаҳат беришга вақт топган. Яна бир муҳим жиҳат: Ғаниевлар хонадонининг "Соғлом дунё" хусусий фирмаси туманда ягона – ҳафтасига 24 соат ишлайдиган ўз дорихонасига эга. Дорихонанинг пандемия давридаги холис ва беминнат хизматини одамлар ҳали-ҳануз эсга олишади.

Абдурашид Ғаниевнинг тиббиёт соҳасидаги бемисл хизматлари муносиб баҳоланган. Бугун кўкрагини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10, 15, 20, 30 йиллиги, "Меҳр-саховат", "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишонлари безаб турибди. Меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликларининг "Фахрий ёрлиқ"лари билан мукофотланган. Энг муҳими, ҳаётда "Устоз ва шогирд" анъанасини бардавом этди. Тиббиётда бирга ишлаган юксак малакали врачлар, марҳум Нарзулло Холматов, Дўстмамат Шералиев, Шоймардон Намозов ҳамда Саидмурод Бойназаровларни устози деб билади. Шогирдларининг эса сафи кенг: туман соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган шифокорлар у кишини устоз сифатида юксак қадрлайди.

-Ҳаётда биринчи устозим падари бузрукворим деб биламан. Отам Мустафоқул Ғаниев Бойсун тумани собиқ "Дарбанд", "Сайроб" хўжаликларида ҳисобчи бўлиб ишлаганлар. Ҳаётда ҳамма нарсанинг ҳам ҳисоби борлигини, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришни, халқ мақолида айтилганидек, "етти ўлчаб бир кесиш"ни, сабрли, қаноатли бўлишни, асли касби пиллачи бўлган волидаи муҳтарамим Ҳосил Раҳмонқуловадан меҳнатсеварликни, меҳр-оқибатли бўлишни ўрганман, - дейди суҳбатимиз давомида Абдурашид Ғаниев.

Оила – муқаддас. Абдурашид Ғаниев бу туйғуни ситкидилдан ҳис этади. Аёли Мансура Раҳмонқулова намунали хонадон бекаси бўлиш баробарида, кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилган, ҳозир пенсияда. Яратган насиб айлаб эр-хотин Каъбатуллоҳда Умра зиёратини ўтаб қайтишди. Тўнғич фарзанд – қизи Шаҳноза тиббиёт ходимаси, ўғли Ферузбек олий маълумотли иқтисодчи, иқтидорли тадбиркор.

Халқимизнинг севимли ва фидойи фарзанди Абдурашид Мустафоқулович Ғаниев шу кунлари муборак 60 ёшини нишонлаяпти. Қутлуғ ва қувончли лаҳзаларда у кишига сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва эл-юрт хизматида бўлишдан асло чарчамасликларини тилаб қоламиз.

**Абдусалом ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси.**

***Суратда:*** *туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган шодиёнада вилоят врачлар ассоциацияси раиси Мустафо Жумаев ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи Нилуфар Одинаева Абдурашид Ғаниев билан бирга.*



*Адабий-бадиий кечалар*

# УЛУҒ ШОИР ЁДИ

Буюк мутафаккир, давлат арбоби, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллиги муносабати билан туман ахборот-кутубхона марказида адабий-бадиий кеча ўтказилди. Унда туманимиздаги 1-8-38-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари бадиий чиқишлари билан қатнашдилар.

"Навоий ёди ила яшаймиз мудом" деб номланган адабий-бадиий кечада улуғ шоир ғазалларига мурожаат этилди, унга атаб шеърлар ўқилди, мумтоз тароналарга рақслар хиром этилди. Бунда ўқувчилардан Наргиза Умидуллаева, Осиябону Мирзақулова, Ширинoй Жумаева, Висола Ҳикматуллаева, Шоҳжаҳон Холтўраев ва Муҳаммадали Рўзимуродовлар фаоллик кўрсатишди.

Гули ва Навоий монологи саҳнаси барчага манзур бўлди. Ролларни 38-мактабнинг ўқувчилари Икром Ҳайитмуродов ва Муштарий Абдусамадова маҳорат билан ижро этишди.

**Насиба НАЗАРОВА,**
**туман ахборот-кутубхона маркази абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш мутахассиси.**

# Ёш навоийшунослар баҳси



Ғазал мулкининг султони Ҳазрат Навоий таваллудининг 584 йиллигига бағишлаб мактабимизда адабий кеча ўтказилди.

Тадбир жараёнида 9-синф ўқувчилари "Навоий" ва "Фоний" гуруҳларига бўлиниб, улуғ шоир ғазалларидан ифодали ўқиш, баҳру байт баҳси, саҳна кўриниши намойиш этиш, савол-жавоблар ва асарларининг номларини ёддан айтиш каби шартлар бўйича беллашдилар. Ҳакамлар томонидан гуруҳларнинг чиқиши тенг – 33 баллдан баҳоланди.

Мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Нуриддин Хурсандов томонидан Алишер Навоий ғазаллари асосида тайёрланиб, маҳорат билан ижро этилган қўшиқлар адабий кечага файз киритди. Ёш навоийшунослар баҳсида ўқувчилардан Нурафшон Қиличева, Рухшона Холматова, Моҳичеҳра Жўраева, Меҳрибон Жўраева билимдонликлари билан алоҳида эътибор қозонишди.

Адабий кеча якунида аълочи ва фаол ўқувчилар мактаб маъмуриятининг "Фахрий ёрлиқ"лари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Умедулла МАМАТҚУЛОВ,**
**12-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.**

*Ибрат*

# ЖАСОРАТЛИ АЁЛ



*(Эссе)*

*"Шукур дейман оёқ-қўлим*
*саломатдир,*
*Гар нолисам, бу Худога*
*маломатдир..."*

Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари – Оролмирзо Сафаров ва Озодбек Назарбеков ижроларидаги бу дуэт-таронани тингламаган, қалби жумбушга келмаган инсон бўлмаса керак орамизда. Дарҳақиқат, қўшиқнинг давомида айтилганидек, қалб кўзи билан кўриш ҳам Яратган томонидан берилган бир кароматдир.

Бу ҳаётда турфа хил одамлар учрайди. Кимлардир кўзи очиқ бўла туриб, дунёни, атрофдагиларни, оиласи ва яқинларини равшан кўриб турса-да, бу неъматнинг шукрини келтирмайди. Аксинча, бекорчиликдан, иш йўқлигидан, биров-бировига маломат ва туҳмат ёғдиришдан тап тортишмайди. Аммо орамизда шундай кимсалар борки, дарди бўлса ҳам ҳеч кимга сездирмай, бу дунёнинг синовларини мардонавор енгиб келаётганларни уларга ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Ана шундай жасоратли аёллардан бири туманимизнинг Ал-Ҳаким ат-Термизий маҳалласида яшовчи Гулнора Ўсаровадир.

Гулнора Ўсарова туғма кўзи ожиз эмас. Яқинлари дийдорини, дунёни бор рангларини ғира-шира бўлса-да кўрган. Отаси Хуррам Ўсаров қизини кўрсатмаган дўхтири, олиб бормаган жойи қолмади ҳисоб. Тошкент, Душанбе, Термиз шаҳарларидаги офтольмология марказларининг ташхиси бир хил чиқди: "Кўз тўр парда пигменти". Хуллас, бу дарднинг давоси топилмади. Қизалоқ улғайгани сайин қорачиқларнинг ҳам ожизлиги ортиб борди...

Келинг, айни ўринда қаҳрамонимизнинг таржимаи ҳоли билан мухтасаргина таништириб ўтсак:

Гулнора Ўсарова 1980 йил 31 январда туғилган. Тумандаги 31-умумтаълим мактабини тугатгач, 2003 йилда Ангор педагогика билим юртини бошланғич таълим йўналиши бўйича тамомлайди. Шундан сўнг меҳнат фаолиятини маҳалласидаги 51-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб бошлайди. Қарийб 8 йил давомида ёш бўғинга таълим-тарбия берди.

Бугунги кунда у биринчи гуруҳ ногирони. Шундай бўлсада, бир зумки, тиниб-тинчимайди. Меҳнатдан қочмайлди. Оилада тўрт қизнинг тўнғичи. Касали сабаб турмушга ҳам чиқмади. Сингиллар учирма бўлди. Ота-она вафот этгач, ҳувиллаган ҳовлида бир ўзи қолди. Бобонинг васиятига амал қилиб, синглиси Насиба Ўсарова ва куёви Илҳом Норқулов оилавий ушбу хонадонга кўчиб келишди.

Биз Ал-Ҳаким ат-Термизий маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Сайидали Нурмаҳматов билан биргаликда бу хонадонга кирар эканмиз, раис бежизга ошиб-тошиб таърифламаганига гувоҳ бўлдик. Мўъжаз 10 сотих ҳовлида кўкламнинг бўйи димоғингизга урадi. Ҳовли тўрида 3 киши картошка экиш билан машғул. Чақирганимизда ёш, навниҳол жувон биз томонга яшнаб турган кўкатларнинг лабиринт мисоли олинган пушта-марзалари устидан юриб чаққонлик билан кела бошлади. Пайтдан фойдаланиб, раисдан сўраб олишга улгурдим:

–Келаётган аёл опанинг сингилларими?

–Йўқ, бу ўша кишининг ўзлари!

Ҳайратдан қотиб қолдим. Бу ҳолатдан мени раиснинг ўзи олиб чиқди:

–Ишонмадингиз-а, кўрган одам ишонмайди унинг кўзи ожизлигига.

Гапнинг очиғи, гуркираб ўсиб турган саримсоқ пиёзни ўзи экканини билиб, қандай экан, қандай ўтоқ қилганигача амалда сўраб олдик. Бари сезги органининг кучлилигида!

Айтиш жоизки, бу бежирим ҳовлида бўш ернинг ўзи йўқ. Турли хилдаги кўкатлар, саримсоқ ва кўк пиёз, исмалоқ, редиска ҳамда картошка экилган. Мевали дарахтлар ва бир текисда ясалган ишкомларда кўтарилган токзорларни кўриб баҳор ҳамда ёз ойларини тасаввур қилдик. Образли қилиб айтганда, нақ "яшил макон"нинг остонаси бўлади-қолади. Маҳалладаги "еттилик" ташаббуси билан 8 миллион 100 минг сўмлик субсидия маблағлари эвазига 1 сотих ерга иссиқхона барпо этилган (суратда кўриб турибсиз).

Бу экинларнинг бозори ҳақида сўраганимизда қуйидагича жавоб олдик:

–Маҳсулотларимизнинг бозори чаққон, харидори кўп. Баъзида дўконларга топширамиз, баъзан кўчада сотамиз. Ҳаттоки, "даставка" – курьерлик хизматимиз ҳам бор. Албатта, синглимнинг кўмаги билан. "Сендан ҳаракат – мендан баракат", деганларидай бировга қарам бўлмай ҳалол йўл билан ризқ топаётган, интилаётган, тилида, дилида-ю амалида шукронаси бор Гулнора опанинг шижоатига ҳавас қилдик. Ноўрин таққос бўлса узр сўраймиз-у аммо сиз-биз яшаб турган мана шу жамиятда юртимизга ва ҳатто бирор кимсага нафи тегмай тўрт мучаси соғлом бўлсада, боқиманда кайфиятда бўлган, давлатдан қандайдир ёрдам кутиб ётган баъзи "эркак"ларга шу опанинг ишларини ибрат қилиб кўрсатган бўлар эдик. Дарвоқе, Гулнора Ўсарованинг бу меҳнатлари эътиборга олиниб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 августдаги Фармонига биноан "Жасорат" медали билан мукофотланди.

Ҳали Гулнора опанинг тадбиркорликни кенгайтириш борасидаги орзулари улкан! Мавридида, биз ҳам шижоатли ва жасоратли аёл – Гулнора Ўсаровага соғлик-омонлик, эзгу ишларининг баракасини тилаб қоламиз.

**Сирожиддин ҚУЛБОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 3-босқич талабаси, "Музработ" газетаси мухбири.**



*Til bilgan – el biladi*

# Ustozlar quvonchi

Bugungi kunda mamlakatimizda biz, ustozlarga yaratib berilayotgan imkoniyatlarni ko'rib quvonasan kishi.

Barchamizga ma'lumki, Maktabgacha va maktab ta'limi Vazirining "Umumiy o'rta ta'lim maktablari fransuz tili fan o'qituvchilarining salohiyatini oshirishga yo'naltirilgan malaka oshirish kurslarini tashkil etish to'g'risida" 2024-yil 2-maydagi 139- son buyrug'iga muvofiq Fransiyaning O'zbekistondagi Elchixonasi bilan hamkorlikda ikki yilga mo'ljallangan umumiy o'rta ta'lim maktablari fransuz tili o'qituvchilarining bilimlarini uzliksiz oshirish loyihasi imzolangandi. Shunga binoan, 2024-yilning iyun oyida yurtimizning barcha viloyatlaridan jami 120 nafar fransuz tili o'qituvchilari Fransiyada ikki hafta o'qib malaka oshirib qaytdilar.

Bu loyiha har bir fransuz tili muallimlarining orzusi edi. Ushbu loyihaning navbatdagi bosqichi o'tgan yil 18-24-noyabr kunlari Toshkent shahrida bo'lib o'tdi. Fransiyaning tajribali mutaxassislari Toshkent Alyans bilan birgalikda fransuz tili o'qituvchilarini xalqaro Delf B2 imtihonlariga tayyorlash bo'yicha malaka oshirish kurslarini olib bordilar. Loyihadan ko'zlangan asosiy maqsad O'zbekiston maktablarida faoliyat yuritayotgan fransuz tili o'qituvchilarining til bilish darajalarini oshirishdan iborat.

Hamkasblarimiz o'tgan yili 25-noyabrda Toshkent Alyansda xalqaro Delf B2 imtihonini topshirib qaytdilar. Barcha hamkasblarimizga eng yuqori natijalarni tilab qolamiz.

**Gavhar HAZRATQULOVA,**
**25-umumta'lim maktabining fransuz tili o'qituvchisi.**




*Maktabgacha ta`lim tashkilotlarida*

# «Otam o`qib bergan kitoblar»

Tumandagi 9-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkilotida navbatdagi "Otam o'qib bergan kitoblar" nomli ma`rifiy tadbir bo'lib o'tdi.

Tadbir davomida tarbiyalanuvchilar tomonidan turli xil raqs va qo'shiqlar ijro etildi. Bolajonlarning chiqishlaridan ota-onalar juda xursand bo'lishdi.

Tadbir so'ngida ota-onalarga Amerikadagi "MERCY CORPS" mehribonlik tashkiloti tomonidan taqdim etilgan kitoblar sovg'a tariqasida berildi. Ota-onalar tadbir haqida juda ko'p iliq fikrlar bildirishdi. "MERCY CORPS" tashkilotiga o'z minnatdorchiliklarini bildirishdi.

**Muyassar BO`RONOVA,**
**Umida QUVONDIQOVA.**



# So'z mulkining sultoniga ehtirom

Alisher Navoiy – turkiy adabiyotning eng yuksak cho'qqilaridan biriga aylangan siymo. U faqat o'z davrining emas, balki Sharq adabiyotining buyuk shoirlaridan bo'lib, yaratgan asarlari bilan butun bir avlodlar tafakkuriga ta'sir ko'rsatgan.

Bobokalonimizning o'zbek adabiyotiga qo'shgan hissasi va uning boy merosidan kelajak avlodlar bahramand bo'lishi uchun har yili yurtimizda ulug' shoirning tavalludi keng miqyosda nishonlanadi.

Tumanimizdagi 2-umumta`lim maktabida ham mutafakkir bobomiz tavalludining 584 yilligi munosabati bilan "Navoiy – so'z mulkining sultoni" mavzusida bayram tadbiri bo'lib o'tdi.

Ushbu tadbir davomida 2-maktab direktori J.Pardayev, direktorning ma`naviy-marifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari O.Kenjayev, ona tili va adabiyot fani metod birlashmasi rahbari U.Yadgorova, ona tili va adabiyot o'qituvchilari B.Normurodov, N.Shomurodova, Sh.Mamatqulova, A.Chorshanbiyeva, S.Abdullayeva va o'quvchilar ishtirok etdilar.

Tadbirda o'quvchilar shoir ijodidan ruboiy, g'azal, tuyuqlarni ifodali o'qishdi hamda raqs va sahna ko'rinishlarini namoyish qildilar.

**Zuhro ZIYODULLAYEVA,**
**Termiz pedagogika institutining boshlang'ich ta'lim yo'nalishi 3-bosqich talabasi, Muzrabot tumanidagi 2-maktabning boshlang'ich sinf o'qituvchisi.**

MUZRABOT

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Muzrabot tumani Kengashi
va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YO`LDOSHEV

Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo`rg`oni, Amir Temur ko`chasi, 38-uy.
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro`yxatga olingan. ISSN 2181–7006.
e-mail:shaymardonov8787@mail.ru
Buyurtma G- 2320 nusxada bosildi. Qog`oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi–473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi B.Shoymardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev.
Navbatchi O.Hakimova.

Gazeta «Surxon tongi» va «Заря Сурхана» gazetalari tahririyati bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy.
Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00